



ЎҚУВ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ТУЗИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ ҲУСУСИДА

Худайбергана Назокат Рахимовна

*Урганч Давлат Университети Роман-герман
кафедраси ўқитувчиси*

Худойбергана Гуласал Фахриддин қизи

*УрДУ Хорижий филология факультети француз тили таълим
йўналиши 3-босқич талабаси*

Куронбоева Дилноза Маъримбой қизи

*УрДУ Хорижий филология факультети француз тили таълим
йўналиши 3-босқич талабаси*

Аннотация: *Ушбу мақолада ўқув луғатларининг турлари, луғатлар тузиш муаммолари, луғатлар юзасидан дунё олимларининг билдирган фикрлари, уларнинг олиб борган таҳлиллари тўғрисида сўз боради.*

Калит сўзлар: *Универсал луғат, ихтисослаштирилган, синонимик, антонимик алоқалар, фразеологик, изоҳли луғат, синтагматик парадигматик.*

Ҳар қандай луғатнинг сўзлигини шакллантириш – муҳим ва қийин вазифадир, ўқув - ихтисослаштирилган ёки “универсал” луғат учун – бу қийинчиликлар сўзсиз ортадилар. Универсал ўқув луғати бўйича қуйидаги масалалар юзага келади: луғатда лексиканинг қандай турлари ва қандай ҳажмда тақдим қилиниши керак, сўзларни ва лексиканинг турларини танлаб олишда қандай асосларга таяниш мумкин, танловнинг асосига қандай манбалар ётишлари керак.

Ўйлашимизча, рус тилининг изоҳли луғатлари манбалар орасида биринчи ўринга қўйилиши керак, чунки уларда энг аввало ҳозирги рус адабий тилининг лексик-семантик тизими унинг мураккаб стилистик ва функционал табақаланашуви билан ўз аксини топди. Сўнгра, ўқув типидagi луғатларга сўзларни танлаш учун хизмат қиладиган манбалар орасида рус тилининг хилма-хил ихтисослаштирилган луғатларини: синонимик, антонимик, фразеологик, мушкулликлар луғатларини (“тўғрилиқ ва нотўғрилиқлар”); янги сўзлар ва маънолар, чет тиллар луғатларини ва б. тилга олиш мумкин. Ўқув луғатларининг сўзлигини шакллантиришда рус тилининг частотали ва тақсимловчи луғатларига катта роль берилди. Бироқ, бу бир неча бор таъкидланганидек, кейинги луғатларнинг родини ортиқча баҳолаб юбориш керак эмас.

Ўқув луғатига сўзларни танлашда турли кўринишдаги лексикографик справочникларга таянишдан ташқари сўзларнинг синтагматик ва парадигматик алоқаларини ва муносабатларини: луғатларга киритиладиган лексик



бирликларнинг синонимик алоқалари, антонимик зид қўйишлар, тематик яқин сўзларнинг муносабатлари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа сўзлар билан бирга боғлана олиши ва ҳ.к. ҳисобга олиш керак. Бундай луғатнинг сўзлиги рус тилининг энг кўп қўлланиладиган ва долзарб лексикасини акс эттириши лозим. У ички жиҳатдан шакллантирилган ва тизимлаштирилган бўлиши керак; унга тилнинг лексик ядросини ташкил қилувчи (энг аввало умумумлаштирувчи ёки кенг семантикали: замон, макон, ўрин, сабаб, юрмоқ, бормоқ, қабул қилмоқ ва ҳ.к. типдаги, функционал жиҳатдан грамматикализациялаштирилган бирликлар – предлоглар, боғловчилар, юкламалар ва б.) лар билан бирга лексикалар турлари киритилиши керак, улар зарур луғат минимумини ташкил қиладилар, хилма-хил нутқ вазиятларини қамраб оладилар.

Луғатда лексиканинг турли-туман тематик бирикмалари ўз аксини топишлари керак бўлиб, улар хилма-хил шароитда ҳар хил мавзуда мулоқот қилиш учун етарли бўлишлари керак эди. Шунга асосан В. В. Розанованинг таҳрири остидаги “Чет элликлар учун рус тилининг қисқача изоҳли луғати”га “алфавит, апельсин, аптека, тарвуз, афиша, аэропорт, баскетбол, шахсиз, блинлар, боршч, блузка, идиш” каби ва бошқа сўзлар киритилган, гарчи кам частотатилиги билан ажралиб турадиган, бироқ агар уларни алоҳида эмас, балки маълум тематик қаторлар таркибида (масалан, қиёсланг “афиша, балет” – “театр, концерт, артист” қаторида, “идиш” - “чашка, стакан, чойнак, идиш-товоқ” қаторида ва ҳ.к.) каби сўзлар сифатида кўриб чилилса. Умуман олганда, чет эллик ўқувчи Луғатда рус тилидан фаол фойдаланишни билиши учун ҳамма нарсани топиши лозим. Шу билан бирга, Л. В. Щербанинг эслатмасини ёддан чиқармаслик керакки, “чет эллик..., кулгили туйилмаслиги учун энг содда, оддий тилда гапирмаслиги керак” (“Русча-французча луғатга” Сўз бошида). Умумий изоҳли ўқув луғати чет элликни бу “содда тилга” ўргатиши керак. Сўзларни танлашда қатъий нормативликка ва синхронликка амал қилиниши зарур. Рус лексикографияси ҳар доим адабий тил нормаларини ҳимоя ва тарғиб қилиш позицияларида турган. Луғат, айниқса, ўқув луғати адабий тилнинг норматив принципларини ўрнатиб, ўқитувчининг ролини бажариши керак, у Х. Касареснинг ибораси билан айтганда, “тил қонунларининг тўпламидир”. Чет тиллардан ўзлаштирилган, сўзлашув тилидаги (адабийдан ташқари сўзлашув тили) ва бизнинг вақтимизда сезиларли даражада жонланиб қолган жаргонли элементларни луғатга киритишда алоҳида эҳтиёткорлик намоён қилиш лозим. Луғат таркибининг бундай элементлари учун ўқув мақсадини кўзда тутмаган алоҳида луғатларни назарда тутиш лозим.

Луғатнинг ҳар бир типда луғат мақоласи уни бошқа типдаги тур луғатларининг луғат мақоласидан ажратиб турадиган ўзига хос кўринишни қўлга киритиши лозим. Ўқув луғати луғат мақоласининг ўзига хос фарқ қилувчи хусусияти сўз ҳақидаги маълумотларни намоёиш қилишнинг усулларини,



унинг грамматик, акцентологик, орфоэпик, семантик, функционал-стилистик, бирга боғлана олишлик ва бошқа анча жиддий унификациялаш бўлиши керак. Ўқув луғатининг бу томонлари кенг муҳокама қилинди, аммо у “абдий саволлар” категориясига кириб, кейинги қайта ишланишларга муҳтождир.

а)Сўзнинг семантик мазмунини очиш. Бу жиҳат изоҳли луғатнинг асосий вазифасини ташкил қилади (Л. В. Щерба). Шу билан бирга, лексикографдан семантикани, грамматикани, стилистикани ва “жаҳон лексикографик тажрибасида ишлаб чиқилган барча фойдали усулларни” ишлата олишни талаб қиладиган энг мураккаб лексикографик муаммодир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В. И. Полн. собр. соч., т,51.
2. Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексикография. М., 1977.
3. Даль В. И. Толковый словарь великорусского языка, т I. СПб., 1800.
4. Денисов П. Н. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии, М., 1974.

